СССР Давлат китоб палатаси
Китобхонлик палата УзССР
3 1 1 2 98

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 28 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 91 (7087)

Da'vat

Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг.

СТЕНДАЛЬ

Ibrat

Балиқчи туманидаги «Олимбек» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Уч уйли» маҳалласида масжидга мўлжаллаб қурилган янги бинони қишлоқ оқсоқоллари болаларга беришни лозим топдилар. Бу ерда бошланғич мактаб иш бошлади. Натижада маҳалла болалари 3-4 чақирим наридаги қўшни мактабга қатнашдан холос бўлдилар.

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчириш тўғрисида»ги Қарори чиқди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан С. Р. Иноғомов Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.**

• **Вазирлар Маҳкамасида республикамизда қурилиш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказилаб, уни Бош вазир ўринбосари А. Исаев бошқарди.**

• **АҚШ Президенти Билл Клинтон Жанубий Кореяда турган америкалик ҳарбий хизматчиларни Корея Халқ Демократик Республикасидан чиқиши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантириб, уларни ҳушёрликка даъват этди.**

• **Ироқ бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз БМТнинг Ироқ оммавий қирғин қуролларини бартараф этиш бўйича махсус комиссия раҳбари Ричард Батлерни кескин танқид қилар экан, унинг бу ҳаракати Американинг янги босқинига йўл очишдан бошқа нарса эмас, деб таъкидлади.**

• **Иордания қироли Ҳусайн Америка клиникаларидан бирида даволанмоқда, унинг вазифасини шаҳзода Ҳасан Бин Талол бажармоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Нархларнинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари, ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,2 баравар индексация қилинсин.

2. 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:
энг кам иш ҳақи – ойига 1320 сўм;
ёшга доир пенсия – ойига 2520 сўм;
фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади – ойига 1320 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 1320 сўм;
болаликдан ногиронларга нафақа – ойига 2520 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 1530 сўм миқдорида белгилансин.

3. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1999 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг индексация қилиниши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ индексациялашни амалга оширсинлар.

7. 1998 йил 9 июндаги ПФ-2009-сон Фармон, 8-бандидан ташқари, ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

Ўқитувчи ёш дафтарига

КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРМАЙДИ

Ота-оналар болаларига, албатта, ёмон бўлгин дея тан жазоси бермайдилар. Лекин улар бу ҳаттиҳаракатлари билан кутилган натижага ҳам эриша олмас эканлар. АҚШдаги Нью-Гэмпшир университетининг социолог олими Мэррей Строс ўтказган тадқиқотлар буни тасдиқлади. Тан жазоси болаларнинг жиззаки, ёлғончи ва жаҳлдор бўлиб қолишларига сабаб бўлар экан.

ҚАДИМГИ СЕВГИ МАКТУБИ

Эронлик қадимшунослар топишган мактуб «Энг қадимги севги мактуби бўлса керак», дея тахмин қилинмоқда. Хат эрамиздан 2200 йил муқаддам битилган. Лекин хат муаллифи уни ўз маъшуқасига жўната олган ё олмаганлиги номаълум. Чунки севги изҳори 16 килограммлик тошда акс этган.

ХИРГОЙИ ВА САЛОМАТЛИК

Австралиялик мутахассислар хиргойи инсон асабини юмшатиши ва унинг танасида касалликларга бўлган бардошни кучайтиришини аниқладилар. Демак, асабларингиз мустаҳкам бўлишини истасангиз, бор овозда эмас, балки ўзингизга ёқимли бўлган тарзда хиргойи қилиб юрсангиз, кифоя.

ШОВҚИНДАГИ ЎСМИРЛАР

Германиялик шифокор-олимлар 1800 нафар ўсмирларнинг қулоқларини текшириб кўришди ва тааджжубда қолишди. Маълум бўлишича, уларнинг ҳар тўртинчисининг қулоқлари оғирроқ экан. Мутахассислар, ёшлар шовқинли мусиқаларга, дискотекаларга ўчлиги боис шу аҳволга тушишган, деган тўхтамга келишди.

Taklif

ИНТИЛГАНГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

Кейинги вақтда ихтиро ва рационализаторлик таклифларига бўлган талаблар жойларда анча сусайиб кетди, деб айтсак ҳам янглишмаймиз. Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 декабридаги 596-сонли қарори амалда тўлиқ ўз аксини топмаяпти. Натижада мамлакатимизда қанча ихтирочи ва рационализаторлар фаолият кўрсатяпти-ю уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи, рағбатлантирувчи кўзга кўринган бирор-бир ташкилот мавжуд эмас. Иқтисодий қийинчиликлар, жой муаммоси ва бошқа масалаларнинг ҳисобига, ягона ишлаб турган Республика ихтирочи ва рационализаторлик жамиятининг фаолияти ҳам қарийб тўхтаб қолган. Шу сабабли, ихтирочи ва рационализаторлар йўл-йўриқлар, маслаҳатлар ёки ижобий фикр оладиган жойнинг йўқлиги ҳисобига зарурий ҳолларда кимга мурожат қилишларини ҳам билмайдилар ва сарсон-саргардонликка тушиб қолдилар.

Мана битта мисол. «Ҳуррият» газетасининг 1997 йил 10 декабрь сонида босилган «Ихтиро сирини Сизга айтмайман» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Менда бу ихтиро эмас, балки кашфиётдир, деган фикр туғилди. Лекин ихтиро ва рационализаторлик ишларига эътибор камлигини ихтирочи ҳам қисман тасдиқлаб ўтганини гувоҳи бўламиз. Шунинг учун, ҳурматли газетхонлар, сизлар ушбу мақолага бўлган ўз муносабатларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз ёки бирор-бир бошқа таклифларингизни билдирсангизлар беҳад миннатдор бўлар эдик. Бу эса, бизнинг ишларимизни режалаштириш ва ривожлантиришимизда, зарурий тадбирларни, вазифаларни белгилаб олиш ва амалга оширишда муҳим ўрин тутади, деб ўйлаймиз. Зеро, «Маслаҳатли тўн тор келмас», дейди, доно халқимиз.

Тоҳир УСМОНОВ,
Улуғбек номидаги Республика истеъдодли ёшлар жамғармаси ихтирочи ва рационализатор ёшлар билан ишлаш ҳамда илмий тадқиқот бўлими бошлиғи

Tajriba-sinov maydonchalarida

МАКТАБДА ТЕЛЕСТУДИЯ

Ҳаётнинг энг катта муаллими тажрибадир. Тажрибаларда тобланган, синовларга дош берган фаолиятгина ҳақиқатга, сабоққа айланади. Улар саралаб олган дурдоналар ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқув фанлари бўйича тажриба-синов майдончаларида обдон синовдан ўтказилаётган, ўзлаштирилаётган янги дастурлар эртанги кунимиз учун тузилган режа, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим тадбирлардан биридир.

Кимё фанидан тажриба-синов майдончаси Қува туманидаги 30-мактабда ташкил этилди. Бунинг асосий сабабларидан бири - Фарғона вилоятида кимё саноати анчагина ривожланган, кимёгарларга эҳтиёжи баланд корхоналар кўп. 8-10-синф ўқувчиларига мўлжалланган кимё дарслиги ҳам Фарғона Давлат университети олимлари томонидан ёзилди.Мактаб эса университетнинг кимё факультети билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Зиё маскани ҳовлиси оддий қишлоқ мактаби қиёфасини эслатади. Бино ичкарисига кирсангиз, соф илмий-ўқув муҳитига, замонавийликка дуч келасиз. Деворлардаги хилма-хил, мазмундор расм ва ёзувларнинг ўзиёқ эътиборга тушади. Очиғини айтганда, биз катталар Ўзбекистоннинг кимёгар дарғаларини билавермаймиз. Бу ерда эса уларнинг суратлари, таржимаи ҳоли, илмий ва амалий ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам тартиб билан териб қўйилибди. Мана, бизнинг миллий кашфиётчиларимиз: Обид Содиқов, Собир Юнусов, Мирҳожи Асқаров, Шукур Толипов, Абдували Абдуваҳобов, Сайёра Рашидова...

Илм масканида иккита кенг ва ёруғ синфхона махсус жиҳозланган. Назарий машғулотлар хонасида битта ҳам ортиқча, эътиборни чалғитувчи нарса йўқ. Ҳатто ўқув-техника воситалари ҳам кўринмайди. Чунки мактабда алоҳида телестудия ташкил этилган бўлиб, барча техника турлари ўша ердан туриб бошқарилади. Муаллим ҳатто телевизор

(Давоми 2-бетда)

Кўзгуда Бухоро вилояти
2-бет

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш дастури лойиҳасида жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги боис, айни кунда қайта таҳлил қилинмоқда. Дастурнинг қайта ишланган лойиҳаси «Маърифат» газетасининг кейинги сонларида берилади.

Газета сонларини кузатиб боришларингизни ва таклиф-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишларингизни сўраймиз:

700078, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони 5,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

Тил математикадай ўргатилмайди
4-бет

Бугунги кунда жаҳон давлатларининг иқтисодий юксалишини кузатар эканмиз, уларнинг барчасида меҳнат манбаларига, яъни малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида, мунтазам эътибор қаратилаётганлигига

ТАЪЛИМ ТАКОМИЛИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

гувоҳ бўламиз.

Малакали мутахассислар тайёрлашга ва кенг омманинг саводхонлик даражаси юқори бўлишига эришган мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар бўйича замин яратилади.

Биринчидан ва энг муҳими, ҳукумат томонидан олиб борилаётган исталоҳотлар моҳиятини барча фуқаролар тушунишини ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш.

Иккинчидан, юқори технологияга асосланган ва кам жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни жорий қилиш.

Учинчидан, республикага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Маълумки, хорижий сармоядорлар бирон-бир мамлакатга ўз маблағларини йўналтиришдан аввал, ушбу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволни таҳлил қилиб чиқадилар. Бундай таҳлилий ишлар уларга сармоя самарадорлиги даражасини аниқлаш учун зарур. Ушбу таҳлилий ишларда асосий эътибор сармоя йўналтирилаётган давлатдаги меҳнат манбаларига, яъни малакали кадрларга қаратилади. Сармоя йўналтирилиши режалаштирилаётган мамлакатдаги кадрларнинг малака даражасига қараб, сармояни ишлаб чиқаришни қандай турига йўналтириш аниқланади. Яъни сармоялар кадрлар малакаси юқори бўлган давлатларда юқори технологияга асосланган ва меҳнат

(Давоми 3-бетда)

Obuna - 99

Ҳурматли муштарийлар!

Севимли газетангиз, доимий ҳамроҳу ҳаммаслагингиз бўлмиш «Маърифат»га 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

Бугунги мактаб ўқувчиси ҳуқуқий ҳужжатларни қандай идрок этади? Бунинг учун табиийки, имконият яратиш керак.

Сариосиё туманидаги 2-мактаб бу борада ўз иши тажрибасига эга. Аввало, йўлак ва синфхоналарнинг безатилиши киши диққатини ўзига тортади. Ҳуқуқий ҳужжатларга доир стендлардан бир талайини кўриш мумкин.

ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

«Конституция - асосий қонундир» деб номланади стендлардан бири. Унда «Конституция» сўзининг қисқача луғавий маъноси ва унинг батафсил шарҳи келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Конституциялари тарихига назар солинган. Масалан, 1992 йил юртимиз тарихига Конституция қабул қилинган сана бўлиб ёзилди. Ўзбекистон Конституцияси истиқлолимиз қомуси бўлиб, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради.

«Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги» ҳақида ҳам маълумот берилган. Бу билан ҳар бир ўқувчи таниш ва маълумот уларнинг дилларига жо бўлиб кетган.

Ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашни мактабнинг тарих ўқитувчиси Ш.Ҳусаинов ўз зиммасига олди. Унинг мақсади - мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий онгини янада бойитишдан иборат.

Ш.ҲАСАНОВА

ХАБАРЛАРИ ☎ MMM

TO'YLARIMIZ O'YLARIMIZ

O'zbekiston Respublikasi istiqloldan so'ng milliy qadriyatlar, an'analarni qaytadan tiklash, o'zlikni anglash borasida qator ijobiy ishlarni amalga oshirdi. Ayniqsa, milliy urf-odatlar, qadriyatlarga dahldor tadbirlarni amalga oshirishga keng yo'l berildi.

Biroq, so'nggi paytlarda ayrim joylarda ba'zi rahbar hodimlarning to'y-hashamlar, oilaviy tantanalarni o'tkazishda shuhratparastlik, dabdababozlik, isrofgarchilikka yo'l qo'yayotganligi, atrofdagi mehnatkash xalqqa nisbatan bepisandligi jamiyatimizga tushgan «qurt»dek iymonu insofni kemira boshladi. Prezidentimizning sinchkovligi va e'tibori bois «kemiruvchilar»ga qarshi kurash boshlandi. Kuni kecha Toshkent madaniyat institutida o'tkazilgan «To'ylarimiz—o'ylarimiz» mavzusidagi davra suhbati ham talaba va o'qituvchilar o'rtasida baxs-munozaralarga boy bo'ldi.

F. JUMAYEVA

MAQSAD KELAJAK KAMOLI

Nukus shahridagi 5-maktab uchun yangi ko'rkam bino qurilib, ishga tushirildi. Ushbu munosabat bilan o'tkazilgan tantanali marosimda Qoraqalpog'iston respublikasi jo'qorg'i kengesi raisi T. Kamolov, respublika xalq ta'limi vaziri B.Sultonov, Nukus shahri hokimi A.Ametovlar ishtirok etishdi. Shuningdek, Beruniy tumanidagi Shobboz jamoa xo'jaligida ham 46-o'rta maktab uchun 360 o'rinli ikki qavatli yangi bino qurilishi nihoyasiga etkazilib, bolalarga hadya etildi.

G'.YOQUBOV

MAZMUNLI BO'SH VAQT

Viloyatning o'quv maskanlaridan biri Termiz davlat musiqa bilim yurti jamoasi ham talabalarni bilim olishlari, jamoatchilik ishlarida faol ishtiroq etishlari hamda ularni bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishlariga katta e'tibor qaratgan. Kuni kecha ushbu bilim yurti talabalari o'rtasida «Quvnoqlar va zukkolar» bellashuvi bo'lib o'tdi. Unda bilim yurtining madaniy-ma'rifiy ishlar bo'limining «Ma'rifat», kutubxonashunoslik bo'limining «Ziyo» guruxlari o'zaro baxslashdi. Bellashuv shartlariga ko'ra guruxlar tabrigi, oila yiliga bag'ishlab sahna ko'rinishi, erkin mavzi va sardorlar bahsi bo'lib o'tdi. Yakuniy natijalarga ko'ra «Ma'rifat» guruhi g'olib deb topildi va bilim yurtining esdalik sovg'alariga ega bo'ldilar.

M.KARIMOVA

MMM ☎ ХАБАРЛАРИ

ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИДАГИ ТАШҲИС

Республикамиз олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тест-синови усулида ўтказила бошлаганига мана 6 йил бўлди. Унинг биз илгаган илк қулайликлари талабалар танловининг холис мезонлар орқали амалга оширганлиги ҳамда барча бузғунчиликларнинг боши бўлган порахўрликка чек қўйганлиги бўлганди. Йил сайин тестнинг такомиллашуви унинг яна бир қанча имкониятларини намоён эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошлиғи М. Муҳиддиновнинг «1998 йил тест якунлари (Таҳлилий материал)», деб номланган хийла салмоқли китобида ушбу имкониятлардан самарали фойдаланилган.

Эътибор берилмаса, чанг босиб ётадиган, оддий бир архив материали сифатида қолиб кетадиган тест-синов натижалари бу китобда урганишнинг асосий манбаси бўлган. Умумий таҳлил битирувчиси олий ўқув юртига ҳужжат топширган мактаб сари борган сайин янада аниқлашиб, ҳаққоний вазият юзага кела бошлайди. Барча фанлар, ҳаттоки мавзулар бўйича турли кесимларда олиб борилган таҳлил халқ таълими бошқармалари, бўлимлари, мактаблари ва ўқитувчилари учун тегишли хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг бу йилги натижаси ўтган йиллардагиси билан солиштирилганлиги бевосита ҳозирда таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотларга қаерда, қандай эришилаётганлиги ҳақида ҳам маълумот бера олади. Бундан ташқари, унда бир талай ижтимоий жиҳатлар ҳам таҳлилга тортилган. Китобдан қўчирма:

«...Дастлабки таҳлил шуни кўрсатдики, ўқишга қабул қилинганларнинг 36 фоиздан кўпроғини ишчилар ва қишлоқ меҳнаткашларининг болалари, 59,4 фоизини зиёлиларнинг (шифокорлар, ўқитувчилар, хизматчилар) болалари, 4,6 фоизини эса ишбилармонларнинг болалари ташкил этган...»

«... Қишлоқ мактабларидан чиққан абитуриентлар сонининг сезиларли даражада ортганлиги ушбу йилнинг олдингиларидан фарқланувчи ўзига хос хусусиятидир. Қишлоқ мактабларидан чиққан абитуриентлар сони шаҳар мактабларининкига қараганда ўртача 2,5 баравар ортиқ бўлган. Бунда олий ўқув юртларига қабул қилинган қишлоқ мактаблари битирувчилари шаҳарлик битирувчиларга нисбатан икки баравар ортиқ бўлган...».

Мазкур китобдаги таҳлил билан барча таълим муассасалари танишиб, ўз ишларини яна бир бор кўздан кечириб олишса фойдадан холи бўлмасди. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб, республика вилоятлари абитуриентларининг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларини галма-галдан бериб борамиз.

А.РАҲИМОВ

ЗАРУРАТ

Яқинда пойтахтимиз мактабларининг бир гуруҳ тарих ўқитувчилари Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабга йиғилишди. Бу ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини мактабларда ўқитишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ушбу асарни ўргатиш бўйича Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган махсус курс дастури билан танишилди.

Дастурга асосан президентимиз асари мактабларнинг 10-11-синфларида 16 соат ҳажмида ўргатилади.

Семинарда сўзга чиққан тарихчи-олимлар, Тошкент шаҳар ХТБ, туманлар ХТБлари раҳбарлари ёшларни бугунимиздан, эртамиздан бохабар қилишда бу асарнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Р. БЎРОНОВ

КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Узбекистондаги Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси республикамизда олий таълимни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Утган уч йил мобайнида ушбу институт томонидан 18 нафар ўқитувчи Марказий Европа университетига (Венгрия), Эссекс ва Оксфорд (Буюк Британия) университетига магистура дастури бўйича ҳамда фан доктори даражасини олиш учун юборилди. Кўпгина профессор-ўқитувчилар хориждаги олий ўқув юртларида малака оширишга жалб этилди. Бу институт «Дарсликлар» дастури бўйича ҳам бир талай ишларни амалга оширди. Жумладан, иқтисодий билимлар берувчи 9000 та дарсликларни беминнат ёрдам сифатида мамлакатимизнинг 40 та олий ўқув юртларига беришди. АҚШ, Канада, Буюк Британиядан келган 4 нафар инглиз тили ўқитувчилари Тошкент, Бухоро университетларида, Андижон институтида талабаларга маърузалар ўқишмоқда. Бу ишларнинг барчаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бақамти қилинмоқда.

Шундайин алоқалар самарасини янада ошириш борасида яна бир қадам қўйилди. Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Очиқ жамият институти (кўмак жамғармаси) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Уни вазир Саидаҳрор Ғуломов ҳамда ОЖИ директори Ален Делетроз имзолади. Бу, албатта, олий таълим тизими тўбдан ислоҳ қилинаётган бир паллада бу жараённинг тезлашувига ўз ижобий таъсирини кўрсатади деган умиддамиз.

МУХБИРИМИЗ

МАКТАБДА ТЕЛЕСТУДИЯ

(Боши 1-бетда)

ши мумкин. Бунда телекамера, видеокамера, кабелли телевидение ҳамда видеомагнитофон жуда қўл келаяпти. Шунингдек, болалар нафақат кимё дарсларида, балки барча машғулотларда ҳам вилоят ҳокимлиги тақдим этган компьютерлардан фойдаланишяпти.

Девордаги осма ёзувлардан кўпчилик ибрат олса арзийди. «Кичик ва катта даврлардаги элементлар атомларида электронларнинг қаватларга тақсимланиши», «Энг муҳим кимёвий элементлар», «Анорганик бирикмалар классификацияси», «Туз, кислота ва асосларнинг сувда эриганлари» каби материалларнинг узиёқ болаларни бир қадар билимли қилиб қўяди.

Биз Менделеевнинг даврий системасини кўрганмиз, элементларнинг кимёвий белгиларини ўрганганмиз. Аммо уларнинг ким томонидан ва қачон кашф қилинганини кўпчилик мутахассислар ҳам билавермайди. Мактабнинг лаборатория хонасида эса даврий системага кирувчи 103 та элемент ҳақида муфассал маълумот битилган осма материал бор. Унга кўра, кислородни 1772 йили Швеция олими Шееле, фосфорни 1669 йили инглиз олими Бранд, уранни 1789йили немис олими Клапрод, нобелийни 1858 йили америкалик олим Сиборг илк бора ўрганган ва кимёвий таркибини аниқлаган.

Умуман олганда, лаборатория хонасида ҳаваскор кимёгарларнинг хавфсизликни таъминлаб ишлашлари, ҳатто бирорта янгилик устида иш олиб боришлари учун дурустгина шароит, муҳит яратилган. Заҳарли химикатлар махсус темир шкафда сақланади.

Амалий машғулотларни кўриш, эшитишдан кўра, якка тартибда бажариш, албатта, афзалроқ. Ана шу мақсадда ҳар бир ўқувчи учун қўйилган алоҳида стол устидан турли ҳажмдаги пробиркалар, колбалар, кимёвий элемент эритмалари ўрин олган ҳамда штативлар ўрнатилган. Артезиан қурилмалари ҳам улар хизматида. Болалар амалий машғулотлар хонасида оппоқ халат кийиб ишлашади.

Столларга қўйилган амалий машғулотлар топшириғи ва таҳлили мажмуи, айниқса, ибратлидир. Ўқувчилар унга қараб кимёвий эритмаларни реакцияга киритишади ҳамда керакли моддани олишади. Масалан, битта топшириқ шундай бажарилади: пробиркага 3-4 дона рух бўлагидан солиб, устига хлорид кислота эритмасидан 3-4 мл. қўйилади. Идиш оғзи тиқин билан беркитилади. Ажралиб чиқаётган водород идишга тўпланади ва унинг ранги кузатилади. Газ ўтаётган най учи олдиндан тайёрлаб қўйилган совун бўтқасига ботирилади. Содир бўлаётган ҳодиса кузатилади. Реакция тўхташини кутмай, пробиркада йиғилган эритмадан 3-4 томчи олиб шиша пластинка устига томизилади ва оҳиста бўлинади. Бу ерда ўзимиз билган ўша оддий туз ҳосил бўлади.

9-синфлар учун тузилган электронларнинг эритмалари орасида борадиган алмашиниш реакцияларига оид топшириқлар хиёл мураккаброқ. Улардан ҳам мисол келтирайлик: пробиркаларнинг бирига 3-4 мл. мис (II) сульфат, иккинчисига шунча кальций хлорид, учинчисига ҳам ана шу миқдорда алюминий сульфат эритмаларидан қўйилади. Биринчи пробиркага натрий гидрооксид эритмаси, иккинчисига натрий ортофосфат эритмаси, учинчисига барий нитрат эритмасидан озроқдан қўшилади. Ҳамма пробиркаларда чўкма ҳосил бўлади.

Шундан кейин болаларга топшириқ берилади: реакцияларнинг тенгламаларини молекуляр, ионли ва қисқартирилган ионли кўринишда ёзинг. Нима учун чўкмалар ҳосил бўлганини тушунтириб беринг. Бошқача чўкмалар яратиш учун пробиркаларга яна қандай моддаларнинг эритмаларини қўшиш мумкин? Бу реакцияларнинг тенгламаларини ҳам молекуляр, ионли ва қисқартирилган ионли кўринишда ёзинг.

Юқоридаги мисолларни эринмай баён этишимизнинг боиси, бу мавзулар синовдан ўтаётган дастурга киритилган ва ўқувчилар машғулотларда шу каби амалларни эмин-эркин бажаришяпти.

Ўқув дарғоҳини «кимёгарлар мактаби» деб аташимиз ва бунда яратилган ўқув-илмий изланишлар муҳити бежиз эмас. Зеро, мактаб директори Деҳқонбой Сатанговнинг ўзи кимё-биология фани мутахассиси. Синов синфларида эса ўз касбининг устаси, моҳир педагог, фан номзоди Жалолиддин Мамажонов дарс ўтади. Майдончанинг илмий раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳожиқул Омонов Тошкентда ишлайди, аммо вақтини сира аямай мактабга келиб, ихтисосий тавсияларни бериб турибди.

Зиё масканида, жумладан, тажриба-синов майдончасида ҳам болалар билимини баҳолашнинг янгича рейтинг усулига ўтилган. Умумий натижалар ёмон бўлмаяпти. Муаллимнинг фикрига кўра, ёш кимёгарлар орадан ўтган қарийб икки ойдан мўлроқ вақтда янги дастурга киритилган мавзуларни 90 фоизгача ўзлаштиришяпти. Бунда, албатта, муаллимларнинг, майдонча илмий раҳбарининг унумли, машаққатли меҳнатига таҳсинлар айтиш керак. Улар болалар билимидаги ўзгаришлар, янгиликлар, тажриба-синов жараёни таҳлилини эринмай қоғозга туширишяпти, ҳар бир янги мавзу бўйича пухта конспект тузишяпти. Бу илмий-услубий изланишлар натижаси келажакда ёзиладиган кимё дарслигида ўз аксини топади.

Назорат синфларида кимё фанини ўрганиш 8-синфдан бошланиб, 10-синфда якунланади. Тажриба-синов майдончаси учун эса биттадан 7-9-синфлар танлаб олинди. Бу – жуда катта янгилик ҳисобланади.

Энди болалар шу фанга оид билимларни эгаллашни эртароқ бошлайдилар ҳамда интенсив равишда ўрганадилар. Янги дастурга амалда қўлланаётган дарсликдан ўқувчилар ёшига мос мавзулар киритилди.

Тажриба-синов майдончасида дурустгина самарадорликка эришилаётганига яна битта муҳим сабаб ва омил борки, у ҳам бўлса тарғибот-ташвиқот ишларининг ўз вақтида олиб борилаётганидир. Ҳолбуки, ишга киришишдан олдин ота-оналарга синов синфи болаларининг машғулотларга яхши тайёрланиши учун, аввало, уларнинг уйларида етарли шароит, ўқув муҳитини яратиб бериш, баҳоларини, кун тартиби ва юриш-туришини кузатиш ҳақида тушунча берилди.

«Қарс – икки қўлдан» деганларидек, орада яхшигина ҳамкорлик ўрнатилди.

Шунингдек, ходимлар меҳнатини илмий ташкил қилиш борасидаги эсдалик битиклари мактаб ҳаётига сингдирилиб юборилди. Ундаги «Тажриба-синовдан қўрқманг», «Лавозимингизга оид вазифаларни аниқ бажаринг», «Ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам руҳингизни туширманг, аксинча, қийинчиликларга дуч келганингизда кўпроқ ғайрат ва шижоат кўрсатинг» каби қоидалар ўқув даргоҳи раҳбарларининг, ҳар бир муаллимнинг кундалик шиорига айланган. Натижада педагогик жамоадаги тартиб-интизом янада мустаҳкамланди, соф маънавий муҳит ўрнатилди.

Майдончада асосий ўқув фаолияти яқингинада бошлангани учун қўлланмалар, фабрика усулидаги қўргазмали қуролларга оид камчиликларнинг бўлиши табиий. Улар аста-секин, мавриди билан ҳал этилади. Жараёнда баъзи бир тушунчаларга аниқликлар киритилади, иқтисодиётга боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топади деб ўйлаймиз. Муҳими, у ерда мактаб раҳбарияти, майдончага маъсул кишилар, қолаверса, ўқувчиларнинг баҳамжиҳатликда изланаётганлиги кишини қувонтиради.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ДТМ tahlili

КЎЗГУДА БУХОРО ВИЛОЯТИ

Республика ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш тест орқали амалга оширилиши муносабати билан тест якунлари чуқур илмий асосда таҳлил қилинмоқда.

Бугун Бухоро вилоятидан Республиканинг олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларида қатнашган барча абитуриентларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари келтирилган.

Кейинги икки-уч йиллик таҳлилларга назар ташласак, Бухоро вилоятидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги Республика вилоятларининг кўрсаткичларидан бирмунча юқорилигини кўрамиз. Жумладан, 1998 йил олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига вилоятлардан ўзбек тили ва адабиёти фанидан тестларда 6312 абитуриент қатнашиб, вилоятлар ўртасида 45,90 фоиз кўрсаткичга эришиб, 1-ўринни эгалладилар. Биология фанидан 1786 абитуриент қатнашиб, 61,12 фоиз (1 ўрин); кимё фанидан 1585 абитуриент қатнашиб, 48,59 фоиз (1 ўрин); тарих фанидан 2190 абитуриент қатнашиб, 61,53 фоиз (1 ўрин); инглиз тилидан 1506 абитуриент қатнашиб, 50,82 фоиз (II ўрин); немис тилидан 371 абитуриент қатнашиб, 33,15 (II ўрин); француз тилидан 394 абитуриент қатнашиб, 37,54 фоиз (II ўрин) самарадорликка эришганликлари юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Лекин вилоятнинг айрим туман ва шаҳарларидан қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги вилоятнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан паст эканлигини кузатиш мумкин.

Қуйидаги келтирилган жадвалда Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги келтирилган.

Бу жадвалда келтирилган миқдорий ва сифат кўрсаткичларни халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари чуқур ўрганиб чиқадилар ва маълум хулосаларга келадилар, деб умид қиламиз.

Бухоро вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

		Ўзбек тили ва а.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
№	Туман, шаҳар номи	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Бухоро тумани	517	47,78	207	48,16	110	37,58	185	62,33	156	47,63	158	63,15	4	68,06	154	55,18	17	29,25	2	29,17
2	Қоровулбозор тумани	29	45,50	10	28,06	6	33,33	11	65,91	12	58,80	9	50,93	0	0,00	6	45,83	2	19,44	0	0,00
3	Когон тумани	207	40,70	105	43,07	64	31,81	56	64,88	64	50,26	55	50,51	6	54,63	37	48,12	13	39,10	4	39,58
4	Ғиждувон тумани	878	45,26	408	42,19	196	32,16	190	56,32	162	42,54	348	59,99	30	38,52	203	46,66	25	36,67	132	39,77
5	Ромитан тумани	392	46,59	161	41,11	73	30,78	129	60,72	102	45,75	141	63,99	9	39,81	101	48,40	22	32,58	18	53,55
6	Вобкент тумани	457	49,82	176	45,77	87	38,76	128	62,76	120	48,89	188	64,69	12	49,77	92	48,61	65	34,87	24	39,35
7	Жондор тумани	754	45,59	359	42,93	197	33,88	236	64,02	225	46,98	207	59,63	30	46,39	142	50,51	51	29,74	21	31,61
8	Олот тумани	439	42,81	207	42,10	119	27,47	140	58,91	125	48,04	129	52,20	9	48,46	51	46,62	13	28,63	59	34,09
9	Шофиркон тумани	548	44,37	264	46,69	174	36,70	126	57,78	105	46,85	190	58,49	7	39,29	88	39,93	73	31,09	32	35,07
10	Қоракўл тумани	509	47,11	184	41,02	86	30,49	181	62,11	162	51,97	169	66,35	13	44,66	92	44,84	28	26,29	61	36,57
11	Пешку тумани	326	46,35	124	41,11	77	30,63	106	64,44	92	55,46	109	61,62	11	47,73	57	48,25	21	40,87	23	21,98
12	Бухоро шаҳри	932	47,00	373	47,08	197	36,08	243	62,15	210	52,91	329	64,99	7	40,48	400	58,21	22	40,78	9	66,36
13	Ғалаосиё шаҳри	5	62,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	83,33	0	0,00	2	44,44	0	0,00	0	0,00
14	Когон шаҳри	98	46,63	45	48,83	23	38,65	13	57,69	15	41,11	44	57,26	0	0,00	40	48,75	11	41,41	0	0,00
15	Ғиждувон шаҳри	5	43,33	3	47,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	79,17	0	0,00	2	44,44	0	0,00	0	0,00
16	Ромитан шаҳри	5	57,22	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	66,67	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
17	Ғазли шаҳри	4	35,42	3	49,07	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
18	Вобкент шаҳри	5	43,89	4	36,81	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	47,92	0	0,00	0	0,00
19	Жондор шаҳри	4	26,39	3	21,30	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	33,33	0	0,00	0	0,00
20	Олот шаҳри	4	27,08	2	63,89	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Бухоро вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

		Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
№	Туман, шаҳар номи	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Бухоро тумани	140	46,11	103	36,84	37	32,88	16	41,32	14	35,71	48	46,24	0	0,00	57	40,45	3	16,67	1	19,44
2	Қоровулбозор тумани	8	35,76	8	39,93	3	47,22	0	0,00	0	0,00	2	43,06	0	0,00	2	15,28	1	25,00	0	0,00
3	Когон тумани	63	42,02	45	30,25	22	26,14	2	25,00	6	43,98	24	49,07	0	0,00	20	21,25	2	55,56	1	16,67
4	Ғиждувон тумани	184	48,23	116	32,71	41	29,88	27	44,55	24	29,05	80	54,20	1	33,33	39	36,89	6	37,04	20	38,61
5	Ромитан тумани	127	47,33	97	41,27	22	30,05	16	39,41	15	40,19	31	58,33	1	72,22	40	38,47	12	25,93	10	48,61
6	Вобкент тумани	86	46,64	47	32,03	14	28,57	11	37,88	10	32,22	38	61,33	0	0,00	27	38,07	15	27,04	9	27,47
7	Жондор тумани	135	46,69	86	35,17	32	26,48	20	47,08	21	46,16	52	53,04	0	0,00	32	37,33	11	22,73	7	27,38
8	Олот тумани	75	45,41	54	43,72	20	30,00	6	39,35	8	29,17	29	48,66	3	46,30	11	48,99	4	21,53	13	21,79
9	Шофиркон тумани	91	43,89	62	32,48	27	27,47	14	49,80	10	37,78	23	58,94	0	0,00	21	33,73	10	29,17	5	20,56
10	Қоракўл тумани	89	45,54	48	36,23	14	43,45	18	37,50	15	40,00	33	56,40	1	38,89	15	57,41	3	17,59	20	25,42
11	Пешку тумани	110	45,13	68	39,42	31	25,81	20	54,31	13	41,67	31	66,22	0	0,00	21	41,93	11	25,25	12	19,21
12	Бухоро шаҳри	429	37,17	352	36,10	145	28,52	36	38,73	39	35,90	59	52,54	0	0,00	176	41,52	18	26,54	0	0,00
13	Ғалаосиё шаҳри	3	44,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	44,44	0	0,00	3	14,81	0	0,00	0	0,00
14	Когон шаҳри	59	37,99	53	34,59	23	28,74	3	32,41	5	33,89	9	33,64	0	0,00	13	48,08	7	36,90	0	0,00

Бухоро вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

		Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих	
№	Туман, шаҳар номи	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Бухоро тумани	438	43,09	295	28,16	0	0,00	124	50,56	5	22,78	13	40,38
2	Қоровулбозор тумани	18	30,56	12	23,61	0	0,00	5	36,11	1	16,67	0	0,00
3	Когон тумани	231	39,07	148	27,14	0	0,00	59	51,13	9	20,68	15	37,59
4	Ғиждувон тумани	738	44,95	482	29,58	0	0,00	197	45,77	21	28,84	38	54,61
5	Ромитан тумани	478	39,52	296	25,91	0	0,00	146	48,15	2	20,83	33	39,65
6	Вобкент тумани	372	47,79	204	30,08	0	0,00	150	51,22	8	20,49	10	52,78
7	Жондор тумани	422	44,69	257	29,00	0	0,00	129	56,80	7	26,59	29	41,09
8	Олот тумани	291	47,33	113	25,79	0	0,00	162	53,43	3	17,59	13	58,33
9	Шофиркон тумани	626	44,52	300	29,95	0	0,00	281	49,86	12	28,70	30	43,52
10	Қоракўл тумани	419	53,57	135	31,46	0	0,00	217	57,39	17	30,88	50	58,56
11	Пешку тумани	325	38,97	230	28,16	0	0,00	67	41,58	3	37,04	25	42,00
12	Бухоро шаҳри	466	36,13	378	29,47	0	0,00	51	48,04	3	35,19	33	33,50
13	Ғалаосиё шаҳри	5	41,67	2	18,06	0	0,00	3	51,85	0	0,00	0	0,00
14	Қоровулбозор шаҳри	9	32,41	7	22,22	0	0,00	0	0,00	2	20,83	0	0,00
15	Когон шаҳри	99	37,65	78	27,78	0	0,00	7	46,43	0	0,00	13	35,47
16	Ғиждувон шаҳри	2	41,67	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
17	Ромитан шаҳри	2	27,78	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
18	Ғазли шаҳри	17	24,84	17	18,46	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
19	Шофиркон шаҳри	2	65,28	0	0,00	0	0,00	2	63,89	0	0,00	0	0,00
20	Қоракўл шаҳри	2	22,22	2	31,94	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

ҚАЛБИМДАГИ СИЙМО

Dil izhori

Мактабни тугатганимизнинг ўттиз йиллиги тантанасида севимли ўқитувчимиз Гавҳаржон опа билан дийдорлашиб қолдим. Устоз пенсияга чиққан бўлса-да, мактабдан узоқлашмаганлигини сездим. Катта педагогик тажрибага эга Гавҳаржон Фатхуллаева билан ўқувчилик йилларимизни хотирладик.

Гавҳаржон опа дарс пайтида «ҳой, жим ўтир», «ҳой, туполон қилма» деявермас, булар-бўлмасга биз болаларни силтайвермасди. Дарс тугагач, ҳамиша савол-жавоб қилар, фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантирар, хуллас, бизни ўзига ром қиларди. Опа дарс бошланган пайтда йўқлама қилиб, бу билан ўз кайфиятини бузмас, болаларга ҳам катталарга муомала қилгандек эътибор билан қарар эди. Синфдошларимизнинг бари турфа тийнату турли феъл-атворлик эди. Бироқ бизни бирлаштириб турадиган битта нарса бор: болалик ва ғурур. Усиб келаётган боланинг ғурурига тегиш ёмон оқибатларга олиб келишини Гавҳаржон опа яхши илғарди. Зоология ва биология муаллимаси бўлган Гавҳаржон опа тарбияни таълим билан уйғунлаштира олар, шунинг учун биз у кишининг дарсларини сабрсизлик билан кутардик.

Болалик – чегарасиз дунё. Топқирлик, зийраклик, яратувчилик ва жўръат қоришиб кетади бу дунёда. Саволлар туғилаверади бу дунёда: одам маймундан пайдо бўлганлиги ростми? Одам амфибия бўлганми? Динозаврлар суяги топилаётганлиги ростми? Бу саволларга жавоб беришдан Гавҳаржон опа эринмас эди, билганларини суйларди. Тарихдан бир шингил, замондан бир шингил дегандек, тасаввуримизни кенгайтирар, савол-жавоб билан миямизга муҳрлар эди.

Гавҳаржон опа болаларга «қолип» сифатида қарамас, бадиийроқ қилиб айтганда, унинг учун ҳар бир бола бошқа-бошқа олам эди. Шунинг учун Гавҳаржон Фатхуллаевани Урганч шаҳридаги 1-ўрта мактабда узғача ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади.

... Болалигимиз ортда қолиб, ёшлик йилларимиз ҳам ўтиб кетди. Азиз ва қадрдон муаллимам билан юзма-юз турарканман, у алоҳида бир сиймо сифатида мудом мен билан бирга эканига амин бўлдим.

– Мен оила қурганимда ўқитувчи эмасдим, – деб эслайди рупарамдаги муаллимам. – Раҳматли эрим Эгам Раҳим камтар, камсуқум инсон эди. Турмушга чиққанимдан кейин институтга кириб, ўқитувчиликка ўқидим. Эгам ака ҳар дам мени қўллаб-қувватлади. Фарзанд тарбиясида асосий мезон оиладаги узаро ҳурмат, муҳаббат ва оилавий осойишталик деб ҳисоблайман. Ана ундан кейин боланинг ўқишига, қизиқишига, истеъдодию майлига эътибор бериш керак. Боланинг қўли ишга кела бошлаганидан, ёшига муносиб ишларни бажартириб ўргатиш тарафдориман.

Ота-боболаримиз айтганидек, «Фарзандинг – давлатинг, фазилати – зийнатинг». Фарзанд ҳаётда ўз ўрнини топиб кетса, бу ота-онанинг фазилатга бойлигини кўрсатади. Муаллима Гавҳаржон Фатхуллаева ана шундай ғўзал фазилатларга бой, эл-юрт назаридаги устоз. Ў ўз умрини муаллималикка бағишлаб кам бўлмади. Ярим асрдан ошибдики, мактаб ва болалар билан бирга. Бундай устозларнинг юзлари ёришиб юрсин.

Раъно ЗАРИПОВА,
журналист

Талабаларга тилаклар

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси «Халқаро талабалар куни» муносабати билан Киночилар уйида тадбир уюштирди. Бунга олий ўқув юртларининг 45 га яқин талаба стипендиантлари таклиф этилдилар.

Қабулда Республика Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарияти ва касаба уюшма фаоллари қатнашдилар. Учрашувни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори И. Абдуғаниев очиб, иқтидорли талабаларни байрам билан қутлади ҳамда ёшлар иҳтимоий -иқтисодий, маиший масалаларни ечишда фаол эканлигини таъкидлаб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, академиклардан Иззат Султон, Восил Қобулов йиғилганларга самимий тилаклар билдиришди.

Тинчлик Корпуси вакиллари Патрик Маккрэнн ва Кэлли Бауэр ўзбек талабалари олдида сўзга чиқишиб, уларнинг ўқишларига муваффақият тилашди.

Учрашув сўнгида Республикамизнинг атоқли кинорежиссёри Шуҳрат Аббосовнинг «Отамдан қолган далалар» кинофильми намойиш этилди.

**Ю.А

Хориж тўлқинларида

* * *

Туркияда маҳкама собиқ исломий Бош вазир Нажмиддин Эрбаканни конституцион судни ҳақоратлаш ҳақидаги айбловларини бекор қилган.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

* * *

Япония Бош вазири Кейза Обучи япон армияси 30-40- йилларда Хитойни босиб олгани учун узр сўради. Токиода Хитой раҳбари Цзянь Цземин билан учрашувда у очиқ кечирим сўради. Ёзма кечирим сурамаганлиги сабабли иккала раҳбар томонидан имзоланиши кутилган расмий ҳужжат қолдирилди.

* * *

Британия ички ишлар вазири Жек Строу Чилининг собиқ раҳбари Августо Пиночетни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақидаги қарорни маъқуллаш учун маҳкамадан қўшимча вақт сураган.

Вашингтон, «Америка овози» рус хизмати.

ТАЪЛИМ ТАКОМИЛИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Бошы 1-бетда)

ҳақи яхши баҳоланадиган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга кўпроқ юборилса, кадрлар малакаси паст даражада бўлган мамлакатларга эса, кўпроқ жисмоний меҳнат талаб қиладиган ва меҳнат ҳақи паст баҳоланадиган ишлаб чиқаришни жорий қилишга йўналтирилади.

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш кучларининг ҳозирги босқичида юқори билим савиясига эга бўлган ходимларга фақатгина ишчи кучи сифатида эмас, балки, янги маҳсулот ва хизматлар бўйича ғоялар яратувчи сифатида қараш.

Кўпчиликнинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги иқтисодий юксалишнинг асосий манбаларидан бири – ушбу ҳудуддаги давлатларнинг таълимга бўлган эътиборида, деб таъкидлашлари ҳам бежиз эмас. Ушбу ҳудуднинг иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Таиландда 1963 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1/3 қисмини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 1996 йилда 1/10 қисмни ташкил қилади. Ишлаб чиқаришнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса кўрсатиб ўтилган муддат оралиғида 14 фоиздан 28 фоизгача етди. Яъни, ишлаб чиқариш кучларининг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга силжиши кузатилади. Ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига тўғри келадиган миқдори 1965 - ва 1995 йиллар оралиғида тўрт марта ортди. Бундай мисолларни Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа давлатлари мисолида ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар бир давлатдагидек, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк давриданоқ таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказишга ҳамда малакали кадрлар ва уларни тайёрлашга кучли эҳтиёж сезилди.

Ушбу йўналишнинг муҳимлигини ўз вақтида кўра билган давлатимиз раҳбарияти айни соҳада кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қила бошлади. Айниқса, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг қабул қилиниши жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш бўйича асосий йўналишларни белгилаб берди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг аҳамияти ва моҳияти мамлакатимиз Президентининг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида чуқур ва ҳар жиҳатдан теран таҳлил қилиб берилди.

— **Ишончим комилки,—дейди юртбошимиз, — агар бу ислоҳотни (кадрлар тайёрлаш миллий дастури) муваффақиятли равишда амалга оширсак, тез орада биз ҳаётимизда иқтисодий маънодаги «портлаш эффектига», яъни унинг самарасига эришамиз».**

Кадрлар тайёрлашга давлат томонидан катта миқдордаги маблағнинг сарф этилиши Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий сиёсатида асосий ўрин тутаётганлигини шу йилнинг 23 сентябрида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ҳам яққол исботлаб турибди. Ушбу қарорга мувофиқ, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини молиялаштиришнинг манбалари сифатида асосий ўринлардан бирини Давлат бюджети маблағлари эгаллайди.

Таълим соҳаси бўйича халқаро статистик маълумотлар Ўзбекистон аҳоли саводхонлиги даражаси ва таълимга давлат томонидан бўлаётган эътибор бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаётганлигини кўрсатмоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган давлатлар таснифида етакчи ўринларни эгаллаётган бир қатор давлатлардан эса, ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз олдинда турганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, Жаҳон банкининг 1995 йил маълумотлари бўйича катта ёшдаги аҳолининг (эркаклар бўйича) саводсизлик даражаси Жанубий Африка Республикасида 18 фоизни, Саудия Арабистонида 29 фоизни, Туркияда 8 фоизни, Қувайтда эса 18 фоизни ташкил қилган.

Юқорида келтириб ўтилган таълимнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мамлакатимизда ўтказилаётган маориф соҳасидаги ислоҳотларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигининг яна бир исботи сифатида 30 йиллардаги буюк депсиниш (депрессия) даврларида АҚШ Президенти Т.Рузвельтнинг иқтисодиётни инқироздан олиб чиқишнинг асосий йўли сифатида кучли бошқарувчилар, яъни, малакали мутахассислар тайёрлашга қаратган эътибори ўзининг самарали натижаларини берганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Раҳим ВАЛИЖОНОВ,
Учқўрғон иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи директори

ОТА-ОНАЛАР МАКТАБИ

Энди ота-оналар ҳам ўқишадиган бўлибди-да, дея хулоса чиқаришга шошилманг. Зеро, ота-оналарга ҳаёт деб аталмиш каттакон мактабнинг кундалик сабоқлари ҳам етиб ортади. Агар маъқул кўрсангиз бир дақиқа ўйлаб кўриб қуйидаги саволга жавоб беринг: эртанги куннинг қандай бўлиши биринчи навбатда нимага боғлиқ?

Шубҳасиз, жавобингиз тайин: фарзандларимизнинг қандай бўлишига дейсиз, албатта. Дарҳақиқат, ота-она борки фарзандларим камолини кўрсам дейди. Шу йўлда тиниб-тинчимайди.

Чунончи, пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур туманидаги 34-мактабда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг ота-оналари-да бундан мустасно эмас. Дарвоқе, бу даргоҳни яна бошқачароқ қилиб ота-оналар мактаби ҳам дейишади. Бу номни маҳалла қўйган. Сабабини у ердан ота-оналар қадами узилмаслигида, деб билдик.

Биз ўқув масканида бўлганимизда 4-синф болаларининг ота-оналари иштирокидаги очиқ дарслар ўтилаётган экан.

Келинг, бу ёғини улардан эшитайлик.

Назира Мақсудова, мактаб директори:

— Биз ҳар бир ўқувчи тақдирига даҳлдор эканлигимизни чуқур ҳис қилиб ишлаймиз. Ота-оналар билан ҳамкорликда режа тузамиз, иш олиб борамиз, хулосалар ясаймиз. Улар мактаб жамоаси билан яқин алоқада бўлишни бурчимиз деб билишади. Айниқса, барчаси фарзандларининг билим олишлари учун қонуний жавобгар эканликларини яхши билишади. Улар билан ишлаш ҳамиша завқли.

Гулнора Шоғуломова, ўқувчининг онаси:

— Бу мактабдаги муҳит, ўқув жараёнларига эътибор, қолаверса, ҳар бир ўқувчи ва унинг ота-онасига жамоанинг муносабати мени ўзига тортди. Ўғлимни 4-синфдан ўқишни давом эттириши учун шу мактабга, аниқроғи бошланғич синф ўқитувчиси Галина Голубевага олиб келдим. Ўтган давр ичида фарзандимдаги ўқишга иштиёқ кескин ўзгарди. Ҳатто ўзим ҳам у билан бирга дарс тайёрлаб ўтираман. Тез-тез мактабига бориб тураман.

Ўқитувчининг жонкуярлиги бизни бефарқ қолдирмайди. Улардан кўпчилик миннатдор.

Камолиддин Зиёвуддинов, ўқувчининг отаси:

-Ҳафтада бир кун мактабга келиб ўғлим билан партада ўтираман. Вақт борасида ўйланиб ўтирмайман. Чунки таълим-тарбия бетўхтов жараён бўлиб, унга доимий таъсир зарур. Менимча, болаликнинг эътиборсиз ўтган ҳар бир дақиқаси болаликка тегишли эмас.

Шундай қилиб хулоса ясамоқчи эмасмиз.

Бола тарбиясида оила ва мактаб бирлигига эришиш ўз келажагини яратишда иштирок этиш эканлиги барчамизга маълум.

Фахриддин КАРИМОВ

Суратларда: Ўз маҳорати ва фидойилиги билан ўқувчилару ота-оналар меҳрини қозонган Галина Голубеванинг 4-синфлардаги очиқ дарсларидан лаҳзалар акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

УСТОЗЛАРГА АТАЛГАН КУН

Курраи заминимиздаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзининг интизорлик билан кутилгучи байрамларига эга. Бир қарашда миллатнинг хоҳиш-иродаси, мақсад-интилишлари, орзу-ю армонлари ана шу байрамларда акс этгандек. Дарҳақиқат, қардош Туркия Жумҳуриятида ҳам бу йил бир қатор муқаддас саналар нишонланди. Ўтган ойда қондош биродарларимиз Жумҳуриятнинг 75 йиллик туйини катта хурсандчилик билан ўтказган эдилар. Куни кеча эса бу заминда руҳият меъморлари – муаллимларга юксак эҳтиром кўрсатилди. Шу муносабат билан Тошкент Давлат аграр университети қошидаги 1-сон Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги Жумҳурият лицей-интернатида ҳам Ургатмайлар (Ўқитувчилар) куни узига хос кўтаринки руҳда байрам қилинди.

Бизнинг Туркияда нишонланадиган Ўқитувчилар кунининг тарихи хусусидаги саволимизга лицей-интернат мудири Йилдирим Айдин жаноблари шундай жавоб бердилар:

— 1928 йил 24 ноябрда Туркия Жумҳуриятининг меъмори Мустафо Камол Отатурк илк муаллим, дея эъзозланган. Мана 70 йилдирки халқимиз Ургатмайлар кунини муносиб нишонлаб келмоқда.

Байрам тантаналари лицей-интернат ўқувчиларининг бадиий-мусиқий дастур асосидаги кечаларига уланди. Унда ўқувчи ёшлар узбек, турк, инглиз тилларида уз устозларини қутлаб шеърлар ўқишди, қўшиқлар куйлашди. Улар куйлаган қўшиқлар сеҳрига берилиб: «Икки буюк давлат дустлиги абадий бўлсин!» дея тилак билдирдик.

Норали АСЛОН ўғли

«Ёғду» нур сочади

«Ёғду» — рамзий суз. У нурга қиёслана-ди. Биз одатда илм-маърифат соҳасида ишлайдиган кишилар ҳақида сўзлаганимизда, ана шу сўзнинг рамзий маъноси ҳақида хаёлга чўмамиз.

«Ёғду» — Жиззах вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти нашри сифатида рўйхатга олинди. Унинг илк сони ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида чоп этилди. Газетанинг қалдиргоч сонида вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиги Т.Субҳонова «Ёғду»га оқ йўл тилаган: «Халқимизнинг истиқбол ва истиқлолга нисбатан маънавий онги шаклланмоқда . Бу соҳада, айниқса, матбуот нашрларининг уз муносиб улуши бор».

Дарҳақиқат, матбуот «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилган ҳозирги даврда «Ёғду»нинг нур сочиб туриши ҳар жиҳатдан маъқул кўринади. Гарчанд нашр озроқ нусхада чоп этилаётган бўлса-да, кейинчалик унинг адади ошиши шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

Yangilik

САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Турақўрғон туманидаги Мўминжон Ҳасанов номли 35-ўрта мактабда саломатлик маркази иш бошлади. Унга мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Маъруфжон Асқаров раҳбарлик қилмоқда. Марказ ишини намунали ташкил этиш мақсадида, вилоят саломатлик маркази бош шифокорининг ўринбосари Баҳодир Турдиев бу ерга тиббиётга оид 50 дан ортиқ китоб тақдим этди.

Ҳафтанинг ҳар шанба куни мактабда саломатлик куни деб эълон қилинди. Шу кунги сафланишларда ва мактаб радиоузели орқали тиббиёт мавзуидаги маърузалар ўқилади, суҳбатлар ўтказилади. Маърузаларни ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаб, ўзлари ўқишяпти. Бунда ўқувчилардан Наргиза Мирзааҳмедова, Шаҳноза Алчинова, Наргиза Султонова, Малоҳат Ғойипова, Камолиддин Ҳудойназаровлар фаол иштирок этаётирлар. Уларга олий тоифали биология ўқитувчиси Турсунали Тожибоев ва бошланғич синф муаллими Ҳамиджон Қуроновлар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳамид ФОЗИЛ
Тўрақўрғон тумани

Ehtirom

Биз у пайтлари, бундан чорак аср муқаддам, муаллимларни исми билан эмас фақат «опай» деб чақирар эдик...

Одмигина, бироқ ўзига яраши турган кийимда андак виқор ва салобат ила кириб келган, энг ажабланарлиси, икки ўрим сочи ер ўпадиган, кишига баайни бор қудратингни чамалаб кўраётгандай диққат билан боқадиган муаллимани биринчи кунданоқ, эҳтиром аралаш ҳайиқиш ила «Назокат опа» деб чақира бошладик.

Опа бағоят талабчан эди. Моллар оч ёинки сувсиз қол-

ШАХС

са қоларди, аммо опанинг дарсини қилмасак тинчимасдик. Кўчанинг нариги адоғида опанинг қораси кўринса бас, ҳаммамиз уй-уйимизга қараб чопиб қолардикки, бекорга ўйнаб юрганимиз боис эртага дакки эшитиб қолмайлик, деган хавотирда.

У пайтлар мактабни... Ўқитувчи шахслар ушлаб турарди, чоғи. Ва биз беихтиёр уларга таассуб ҳам қилиб қўярдик. Назокат опа биз топинган устозларнинг пешгири эди. Ташқи томондан қаралганда, ҳаттоки озгина кибрлидек ҳам кўринадиган муаллимамиз аслида ҳар бир ўқувчи учун нақадар жон куйдириб, эзилиб ишлашини биз сўнгроқ тушундик. Ўша пайтлар эса, назаримизда, бу ҳар бир ўқитувчининг оддий вазифасидек туюларди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: Назокат опа у ёққа чопди, бу ёққа чопди ишқилиб, бир автобус тўғрилаб, бизни, тинимсиз давом этаётган ғўза ягонасидан қўллари шилинган-тилинган, кўкариб кетган бир тўп қишлоқ болаларини нақ Тошкентдай шаҳри азимга саёҳатга олиб борди. Ўшанда илк бор кўрганмиз цирк, зоопарк деган нарсаларни.

Йиллар ўтди. Биз улғайган сари устозларнинг, ҳақиқий устозларнинг, Шахс даражасидаги муаллимларнинг қадрини, улар берган сабоқларнинг қиймати бир қадар англаб бораётгандайммиз. Муҳими, бу сабоқлар бизга бир умр татигулик...

Бугун устозим Назокат Эрматова... икки бора йигирма беш ёшини нишонлайдиган кун. У ёғи Самар-қанду Жиззахдан, бу ёғи Тошкенту Сирдар-ёдан у кишини кутлагани шогирдлар гуррос-гуррос келиша-ётгандир. Ҳамон мағрур, ҳамон салобат ва виқор ила қадам ташлайдиган, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини теран англайдиган устозим бугун қучоқ-қучоқ гуллар оғушида қолгуси.

Бугун... бугун йиғласангиз бўлади, устоз! Илло, бугун Сизни йўқлаб келган ва ҳаттоки келолмаган ҳар бир шогирдингиз – сизнинг фарзандларингиз қаторида. Сиз энг серфарзанд онасиз, устоз!

Илойим, умрингиз узоқ бўлсин!

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

Izhor

КАСБГА МЕҲР ТАРБИЯСИ

Аслида маълум ёшга етганда эмас, ҳар бир куннинг ўз сарҳисоби бўлиши керак. Шу маънода дўстим Абдураҳмон Нурматовга ҳавасим келади. У ҳар дақиқасини ҳисоб-китоб қилиб яшайди. Бўш қолди дегунча Қибрай тумани сари йўл олади. Қариндош-уруғларидан хабар олади. Кам-кўсти бўлса, қўлидан келганича ёрдам беради. Катта-ю кичикнинг бошини қовуштиради. Муҳими, иззат талаб қилмайди. Жамоа билан аралашиб кетаверади. Битта хислати тилёғламаликни ёқтирмайди. Ёлғон сўзни жинидан баттар кўради.

Абдураҳмон дегани бундоқ қараганда шу кунгача икки жамоанинг бошини қовуштириб келмоқда. Биринчиси, уруғ-аймоғи бўлса, иккинчиси, ишлайдиган даргоҳи жамоаси. Ана шу иккинчиси унинг ўз уйидек бўлиб қолган жой—бу Тошкент Тўқимачилик комбинати. Уйи деганимнинг изоҳи шуки, Абдураҳмон тонг азонлаб ишга кетиб кечқурун йўловчи дегани сийраклашиб қолганда хонадонига қайтади. Иш соати деган гап ундан узоқ яшайди. Муҳими, бугунги иш эртага ўтмаслиги керак.

Касб ҳақида сўз очдик. Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларига катта эътибор берилмоқда. Мустақиллигимизнинг катта ютуғи бу. Негаки, то тўқсонинчи йилларгача ҳунартехника билим юртларига ота-оналарнинг рағбати ўта паст эди. Яна асосийси, бу билим юртларига ўқиши «оқсоқ» болаларни раво кўришарди. Ёки териб кетишарди. Жазога ўхшаган гап эди. Бу бир томони бўлса, иккинчи сабаби билим юртини тугатганлар кўпинча бизга қолар, «харидор» топилмасди. Балки ана шу жиҳатлари ҳам ота-оналарни, болаларни бездиргандир. Балки деб тахмин қиламизу, очиқчасига ўтсак, аксари ҳолларда ҳунартехника билим юртларида чала муллалар, чала касб эгалари дарс берарди.

Ўқитсам бўлди, қабилида.

Бугун эса касб-ҳунар коллежларига кириш катта орзуга айланди. Ҳар бир ота-она боласига билим бериш билан бирга касб ўргатишга киришди. Қолаверса, компьютер асри бошланди. Янги технология ватанимизга кириб келди. Назария билан амалиёт бирлашганда бир иш чиқишига барчанинг кўзи етди.

Бу жиҳатдан Абдураҳмоннинг босиб ўтган йўли анча ибратли. У 1957 йилдан то 1961 йилгача Тошкентдаги Тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарадиган заводда слесарь-йиғувчи бўлиб ишлади. Шу баробаринда Тошкент Тўқимачилик институтида сиртдан ўқиди. Ҳунар билан билимни бирга олиб борди. Шу тариқа иш фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган бўлсак, 1961 йилдан Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга келди. Станокларни созловчиларга шогирд тушди. Сўнгра созловчи бўлди. Ўн бир йил шу касбда ишлаб пишгач, кўрибсизки, иши соҳасида «кўтарилиб» кетаверди. Яъни тўқувчилар тили билан айтганда, смена мастери, цех бошлиғи, корхона бошлиғи бўлди. Асли касби муҳандис-технолог бўлган дўстимиз ип-йигирув цехининг билимдонига айланди. Шундан тасаввур қилишингиз мумкинки, у бошқараётган иккинчи йигирув фабрикаси тўқимачиларга ип йигириб беради. Ўзи бўлса, бир юзу ўттиздан ортиқ ишчига раҳнамолик қилади. У ҳеч қачон касбидан нолимайди. Қийинчилик ҳақида биров гап бошласа, елкаси тиришади. Ишёқмаслар деб, очиқ айтади. Бунга ҳам асоси бор. У комбинатда иш бошлаган йилларида уч йилгача тунги сменада қолиб, Қибрайга яёв қатнади. Яна эртаси келиб, ишини давом эттирди. Ишим оғир, қий-наляпман, деган гапнинг кўчасидан ўтмади. Ўз касбимнинг устаси бўлишим керак деб интилди. Дўстимнинг ҳавас қилса арзийдиган яна бир томони бор. Биз кўпинча ўз устозларимиз ҳақида гапирганда иложи борича, ўзимизни олдинроқ қўйишга уринамиз. Биз ҳам кичкина эмасмиз, дегимиз келади. Абдураҳмон билан қачон суҳбат қурмайлик, у иш ўргатган устозларини фахр билан тилга олади. Тан олиш, устозлар билан фахрланиш учун ҳам катта маданият керак. Унга устозим деб, атрофини ўраб юрадиган шогирдлардан ҳам ҳудо берган.

Абдураҳмон Нурматов эндиликда олтита ўнлик давонига етган бўлса-да, у ҳамон устозодалар даврасидан бу ёққа келгани йўқ. У бутун борлиғини касбига бахш этган.

Касбим – фахрим деган гап бор. Абдураҳмонннинг бу ёшга етганда гапи битта: аввало, ҳар бир одам ўз ишининг устаси бўлиши керак. Устаси бўлса, меҳрини ўша жойга боради. Янги-янги меваларимни кўрай дейди. Жамоасининг юзига ёруғ чеҳра билан қарайди.

Ҳозирги кунда комбинатда деярли касб-ҳунари бутун ўзимизнинг ёшлар ишламоқда. Комбинат қошидаги касб-ҳунар коллежи эса кадр тайёрлашга киришди.

Гапнинг индаллоси эса, ачиқ бўлса-да айтишимиз керак, боламиздир, қариндошимиздир (бу ҳол кўп учрайди), кўпинча, институт ёки бошқа ўқув юртларида олий маълумот олдим дейиш учун ўқийди. Тугатиши билан аксарияти бошқа соҳа бошини тутади. Сир эмаски, ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган, ўз касбини гуллатаётганлар, барибир, кам. Ўзбе-кистонимизга янги замонавий технология кириб келмоқда. Эрта-индин бунёд бўлаётган корхоналар гуриллаб иш бошлайди. Ана ўшанда мутахассислар келиб олий ўқув юртларидан ўз издошларини танлаб олади. Ёки тугатиши билан жой тайёрлаб қўяди. Билимли, касб-ҳунарли ёшлар эртамизни бошқаради. Бу шунчаки баландпарвозлик эмас, Абдураҳмон дўстим бу кунларни олтмишинчи йиллардаёқ орзу қиларди. У йилларда Абдураҳмонга ўхшаган тўқимачилик соҳасида инженер-технолог бўлганлар саноқли эдилар.

Ўз касбининг фидойиси бўлган дўстимиз бугунликда ҳар бир миллатдошини ўрнимиз сеники бўлади деб, ўз бағрига олиб, янги станокларнинг сиру асрорини ўргатиб келмоқда. Бу ҳам тантиликнинг бир кўриниши. Умрининг асл маъноси ҳам ана шу.

Сафар БАРНОЕВ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КУРСИДА 1998 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ИШ БОШЛАЙДИ.

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари.

1.12.98 – 29.12.98 йилгача.

2. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари.

1.12.98 – 29.12.98 йилгача.

Қисқа муддатли курслар:

3. Мактабгача тарбия муассасаларининг мусиқа раҳбарлари.

1.12.98 – 13.12.98 йилгача.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри. Талабалар шаҳарчаси, Саидов 6.
Автобуслар: 28; 34; 87; 76.
Телефонимиз: 46-98-04.

3 dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

МАРАФОНГА МАРҲАМАТ!

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳузуридаги «Бизнес олами» ўқув маркази 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб бугун Мустақиллик майдонида жойлашган «Алаудин» клубида хайрия марафони ўтказади. Марафон кун тартибидан журналистлар учун матбуот анжумани, қўғирчоқ ва драматик спектакллар, эстрада юлдузлари, классик ва рок мусиқа, «DJ — 98» дискотекаси ҳам ўрин олган. Унинг бош ғояси — «Ёшларнинг ақлий ва жисмоний тараққиёти учун».

Хайрия марафонида «Байрам», «Хит Шарқ», «Хўжа», «Ситора», «Осиё», «Аср», «Ҳамал» гуруҳлари, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг эстрада-симфоник оркестри, «Тановар» ва «Суғдиёна» жамоалари, ҳинд маданияти маркази хонандалари, ижрочилардан Г. Аҳмедова, В. Усмонов, З. Ишонхўжаев, Л. Москалева, Зиёда, К. Қаюмов, Ф. Зокировлар иштирок этишади.

Биз «Бизнес олами» ўқув маркази менежери Норпошша Содиқовадан «Хайрия тадбирини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нима?» — деб сўраганимизда, у шундай жавоб берди:

— **Аввало ўксик қалбларни бир оз бўлсада юпатиш, уларга далда бериш. Қолаверса, марафондан тушадиган хайрия пулларини ногирон болаларнинг илмий ва жисмоний салоҳиятини оширишга сарфлашдан иборат.**

Шу ўринда марафонни уюштиришда ҳомийлик қилаётган ташкилот ва муассасаларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бош ҳомий — «Труд» газетаси. Шунингдек, 30-канал, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, АНИК, «ПрессТИЖ», NESCAFE, Радио Пейдж, «Менинг шаҳрим» радиоси, «Ўзмаком» ва бошқа кўплаб қўшма корхоналар, давлат ва нодавлат ташкилотлари хайрия марафонини ўтказишда беминнат ёрдам беришмоқда.

Норали ОЧИЛОВ

Ургутлик кулоллар Наби НОР олган сурат.

Xullas...

ДАСТЁР ИЛОН

Истасангиз ишонинг, агар ёлғон десангиз хориж матбуотини бирров варақланг. Индонезияда узунлиги 3 метр, оғирлиги 100 килограммдан ортиқ бир бўғма илон яхшигина уй дастёри эмиш. Ва яна эмишки, бу илонни илонча пайтида ўрмондан тутиб келган «хозяин»и уни ўн йил давомида қўлда овқат бериб боққан. Энди эса баҳайбат махлуққа айланган илон айниқса, мева йиғим-терим пайтлари эгасига ёрдам бераётган экан.

Ким билсин, балки «еган оғиз уялар» ақидаси илонларга ҳам тааллуқлидир.

ЭФИОПИЯЛИКЛАРНИНГ ДАРДИ

Эфиопияликларда кейинги пайтларда бир дард пайдо бўлган кўринади. Бу дард — қуртлар! Ҳа, шунақа. Беозоргина кўринган бу жониворларнинг қилмиши одамларга кўп озор бермоқда. Қуртлар капалак уруғидан кўпайиб асосан ёмғир пайтида Африканинг ички қисмларигача тарқалади. Ҳайратланарлиси шундаки, катталиги 4 см. келадиган қуртчалар 4 гектар майдондаги ўсимликни ҳам тўрт ойда «йиғиб-териши» мумкин.

Энди денг вазият шу тариқа давом этса, Эфиопияда бирорта ўсимлик қолмаслигига кўзи етган каллалилар бу офат манбаига қарши халқаро ташкилотларни ёрдамга чорлаяпти.

МОЙ ДАРАХТИНГИЗ БЎЛСА...

Мой дарахти ҳақида эшитганмисиз? Ғарбий Африкада мой дарахти бўлмаган оиланинг аҳволи вой бўларкан. Чунки, бу қурғур дарахтнинг соясидан ташқари турган-битгани озиқ-овқат бўларкан-да. Масалан, мевасини хомлигича таомларга ишлатса бўлаверар экан. Уруғидан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқишда, барглaридан сифатли бўёқлар олишда фойдаланилар экан. Шунинг учун, айни кунларда ушбу мамлакатларда мой дарахтини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ГЎЗАЛ БЕЛЛАШУВЛАР

Японияда якунланган аёллар ўртасида волейбол бўйича жаҳон чемпионати финалида Куба терма жамоаси хитойлик дугоналарини 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда россиялик қизлар бразилияликлардан устун келишди: 3:1

ЗЎРЛАР ЗЎРИ

Ганновер шаҳрида теннис бўйича йилнинг сўнгги энг йирик мусобақаси, норасмий жаҳон чемпионати бошланди. Унда тасниф жадвали бўйича кучли ўнликка кирувчи теннисчилар ўзаро орани очиқ қилиб олишади.

СОҒЛОМЛИК ВА НАФИСЛИК НАМОЙИШИ

Тошкент шаҳридаги В. Митрофанов номидаги сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Унда маҳоратларини намойиш этган Россия, Хитой, Греция, Словакия, Қозоғистон ва ўзбекистонлик 16 ёшгача бўлган спортчи қизлар жисмонан баркамол вояга етишда бу спорт турининг аҳамиятини кўрсатиб беришди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

МҲСК марказий стадионида машҳур немис футболчиси Герхард Мюллер кубоги учун халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг 1981 ва 1982-йилларда туғилган ёшлардан ташкил этилган 2 терма жамоаси, Қозоғистон ёшлар терма жамоаси ва МҲСК ўринбосарлари куч синашишди. Мусобақа финалида Ўзбекистон (1981)— Қозоғистонни — 3:0 ҳисобида мағлуб этди.

МАРАДОНАНИНГ НАВБАТДАГИ ҲАЗИЛИ

Бу хабарга ишониш анчайин мушкул бўлса-да футбол фанатлари унинг рост бўлиб чиқишини жуда-жуда хоҳлашмоқда. Футбол билан олти бора хайрлашган Диего Марадона яна футболга қайтмоқчи эмиш. У Англияда янги очилган «Усталар лигаси» деб номланувчи мини-футбол лигасида иштирок этувчи жамоа сафида ўйнашини эълон қилди.

maydonchasi

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — ЎЗБЕКИСТОН

«Дебатлар» дастури бўйича ўтказиладиган семинарда иштирок этувчилар учун очиқ танлови ҳақида эълон қилади.

Ушбу танловда Тошкент шаҳридан барча истак билдирган ўқитувчилар ва мактаб ҳаётида бевосита иштирок этаётган шахслар қатнашиши мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги маълумотлардан иборат бўлган сўровнома топширилиши лозим:

сўровнома топширувчи ҳақида маълумот (фамилияси, исми, отасининг исми, ишлаш жойи, иш лавозими, иш ва уй манзилгоҳлари ва телефонлари);

семинарда иштирок этишдан мақсадингиз (сизнинг таълим бериш фаолиятингиз рўй бераётган воқеалар билан, уларга баҳо бериш билан ва улар ҳақида баҳс олиб бориш билан, қай тарзда боғланган, шунга ўхшаш қайси қўлланмалар сиз томондан ишлатилади; «Дебатлар» дастури ҳақида қандай маълумотга эгасиз; нима учун ушбу методикага эга бўлмоқчисиз).

Семинар давомида Ўзбекистонда ўқувчиларга муомала санъати, баҳслашиш қобилияти, дебатларда қатнашиш ва уларни газета ва журналлар, радио ва телевидение маълумотлари, қўшимча маълумот манбалари билан ишлаш, ўқувчи онгини кенгайтириш, умумий маданиятини ривожлантириш мақсадида тренерларни тайёрлаш амалга оширилади.

Иккита семинар ўтказилгандан кейин иштирокчиларга сертификат берилади. Бу сертификат ва республика миқёсида бўладиган дебат турнирларида ҳакамлик қилишга имкон беради.

Семинар рус тилида олиб борилади. Аммо ОЖИ — Ўзбекистон, кейинчалик яна семинарлар ўтказиш мақсадида, ўзбек ёки инглиз тилларини биладиган ўқитувчиларни қатнашишига ҳам қизиқаяпти.

Семинар 13-16 декабрь кунлари Пушкин кўчасида 69-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Қўшимча таълим Комплекси (собиқ Пионерлар уйи)да ўтказилади.

«Дебатлар» дастури ҳақида маълумотларни ОЖИ-Ўзбекистон манзилгоҳидан олиш мумкин.

Аризалар ОЖИ — Ўзбекистон жамиятининг қуйидаги манзилгоҳига етказилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 700070, Ивлев кўчаси, 41-уй, «Дебатлар» дастури.

Телефонлар: (3712) 406854, 556160, 548243.
Электрон почтаси: anvar@ osi freenet. uz

Сўровномалар 1998 йил 10 декабргача топширилиши лозим

ТИЛ МАТЕМАТИКАДАЙ ЎРГАТИЛМАЙДИ

Мамлакатимиз хорижий давлатлар билан нафақат иқтисодий, балки маданий-маънавий соҳалар бўйича ҳам алоқаларни мустаҳкамламоқда. Бу биринчидан, Ўзбекистоннинг дунёга танилишига бир омил бўлса, иккинчидан, ўзимизнинг жаҳон халқлари маданияти, санъати, маънавиятидан бохабар бўлишимизга имкон беради. Тошкентда фаолият кўрсатаётган Британия Кенгаши ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Биз шу Кенгаш консультанти Мартин СЕВЁР билан таълим борасидаги ҳамкорлик хусусида суҳбатлашдик.



— Британия Кенгашининг Тошкентда иш бошлаганига тўрт йил бўлди. Шу йиллар мобайнида таълим борасидаги ҳамкорлигимиз кўнгилдагидек кечмоқда. Бунинг биринчи сабаби, юртингиздаги барқарорлик бўлса, иккинчи жиҳати эса ўзбекларнинг дунёни билишга бўлган кучли иштиёқидир. Халқ таълими, Олий ва урта-махсус таълими вазирликлари бизнинг ишимизга хайрихоҳ.

Асосий мақсадимиз эса, албатта, ўқувчилар, талабалар қолаверса, кенг омманинг инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондиришда кўмаклашиш. Сизларда шу кунгача ҳам бу борада кўп ишлар қилинган. Бироқ тилни ўргатишга ёндашув бошқачароқ бўлган, яъни уни математикага ўхшатиб ўргатишган. Демоқчиманки, чет тилини бутун қонун-қоидалари билан, илм сифатида беришга ҳаракат қилинган. Аслида эса ҳар бир соҳа эгаси учун унинг ўзига хос жиҳатлари, билиш керак бўлган маълум даражалари бор. Ваҳоланки, бизнесмен учун инглиз тилини филолог даражасида билиш шарт эмас. Қолаверса, ҳаммани бу борада мутахассис қилишга ҳам ҳожат йўқ. Шу боис, биз чиқарган ва чиқармоқчи булаётган дарсликларда асосий эътиборни ўрганувчининг нутқини ўстиришга, луғат бойлигини оширишга қаратмоқдамиз.

Ҳозирда мавжуд дарсликларни ўрганганимизда улар маънан эскирганлиги ҳам кузатилди. Негаки тараққиёт жараёнида тил ўрганиш ҳам замонавийлашиб кетмоқда. Дарсликлар матнларини танлашда ҳам ўқувчи ёки талабани эркин, мустақил фикр юритишга қўниктириб боришни назарда тутмоқ керак.

«Инглиз тили дарслиги ёзувчилар мусобақаси» танловининг асосий мақсади ҳам шу. Аввало ўқувчилар, талабалар учун тушунарли ва ёқимли дарслик яратиш. Бу ишга фақатгина амалиётчи ўқитувчиларни жалб этаётганлигимиз эса бу мақсадимизнинг амалга ошишига кафолат беради. Негаки, улар ўқувчи билан доимий муносабатда бўлишиб, улар талабини ва мавзуларни қандай етказиш усулларини яхши билишади. Дарсликни илмий жиҳатдан пишиқпухта қилиш баробарида, уни ҳаммага етиб борарли даражада тайёрлаш лозим.

Тўғри, амалиётдаги ўқитувчиларнинг барчаси ҳам дарслик ёзиш қоидаларини билмаслиги мумкин. Лекин бу муаммо эмас. Биз танловда саралганлар билан 2 марта 3 ҳафталик ўқув ташкил қилмоқчимиз. Унда чет эллик мутахассислар ҳам келиб маърузалар ўқишади. Сўнгра бу гуруҳни дарслик ёзувчилар сифатида Халқ таълими вазирлигига тавсия қиламиз.

Британия Кенгашининг яна бир мақсади — инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш. Кўпгина чет эл ташкилотларидан бу борадаги фарқимиз шундаки, биз бу ишни шу ернинг ўзида амалга оширамиз. Ҳозирда бизнинг кутубхонамизнинг 1100 нафар аъзоси бўлса, улардан 300 нафари ўқитувчилар. Улар бу ердаги китоблар, қўлланмалар, аудио ва видеокассетадаги дарслар орқали ўз малакаларини ошириб олишлари мумкин.

А. ЭРНАЗАРОВ суҳбатлашди.

БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ТОШКЕНТ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИГИ ЁЗУВЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИ

- *Талабаларингиз учун ўзингиз ўқув материалларини яратишни ёқтирасизми?*
- *Маънавий эскирган дарсликлардан зерикмадингизми ва ўзингиз яхшироқ дарсликларни бунёд эта олишингизни ҳис қиласизми?*
- *Сиз дарсликларни ёзиш ва безатиш бўйича мутахассисдан ўрганишни истайсизми?*

The British Council in Tashkent is cooperating with the Ministry of Public Education on a project to train a team of textbook authors to produce entirely new English Language textbooks for Secondary Schools in Uzbekistan.

In order to help us choose the best possible textbook writing team for further we are holding a national competition which is open to all teachers of English in Uzbekistan who have at least three years' teaching experience. Previous textbook writing experience is **not** essential but it is important that you are creative and have a strong desire to write materials.

STAGE 1

Entrants to the competition should submit sample teaching materials, suitable for use **in a typical Secondary school in Uzbekistan at Grade 5.** These materials should consist of **a linked sequence of four lessons** and should centre on **one** of the following topics:

Birthdays **I am special** **Hobbies**

Entrants to the competition are free to interpret these topics in any way they wish, but they should give attention to the following:

- sequencing and grading the material over 4 lessons (4 x 40 minutes)
- careful treatment of all four language skills (listening, speaking, reading, writing)
- appropriateness of material to age and level of target learners
- incorporation of authentic text material
- careful exploitation of texts and sound treatment of grammar and vocabulary

Sample materials should be sent or brought to Martin Seviour or Lutfulla Juraev at the addresses below:

Martin Seviour
English Language Adviser
British Council
11 Kounayev Street (former Sapernaya)
Tashkent
Tel: 1206752, 1206753

Lutfulla Juraev
English Language Expert
Republican Education Centre
Dom Uchitilya
80 Uzbekistan Street, Tashkent
Tel: 457762

The closing date for entries to the competition is December 31, 1998.

Early in January all entries will be scrutinised by a panel of experts from Uzbekistan and Britain and a number of applicants will be selected for Stage 2.

STAGE 2

In mid-January all those selected at Stage 1 will be invited to the British Council in Tashkent for interview and a final selection will be made. We are looking to select a team of around ten textbook writers to undergo further training.

GOOD LUCK!

Тошкент Давлат Университети қошидаги С.Ҳ.Сирожиддинов номидаги лицей - интернат томонидан 1997 йилда Кажанова Ойгул Унгаровна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги O'R — A№040562 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент радиотехника, электроника ва автоматика коллежи жамоаси шу ўқув юрти кутубхонаси мудираси **Валентина Васильевна СУХАЧЁВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги жамоаси вазирлик марказий аппарати ходими Абдурашид Ёдгоровга отаси **Абдумажид ЁДГОРОВ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501. Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.30.